

«Termez National Carpets» - йилига 4,5 миллион квадрат метр гилам ишлиб чиқариш қувватига эга корхона



Термиз тумани “Ат-Термизий” маҳалласи худудида 4 гектар майдонда "**Termez National Carpets**" МЧЖ томонидан ташкил этилган гилам маҳсулотларини ишлиб чиқариш корхонаси фаолият юритмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 236,0 миллиард сўмни ташкил этади. Корхонага замонавий ускуна ва жиҳозлар **Германия**, **Белгия** ва **Туркия** давлатларидан келтирилган. Ишлиб чиқариш қуввати йилига 4,5 млн. кв.метр гилам маҳсулотларини ташкил этади.

Ишлиб чиқариладиган маҳсулотларнинг 55 фоизи ички бозорга, 45 фоизи қўшни давлатлар — **Афғонистон**, **Тожикистон** ва **Қирғизистонга** экспорт қилиш мақсад қилинган бўлиб, экспортда Сурхондарё вилоятнинг географик жойлашуви масофа ва маҳсулот логистикасига ҳам қулайлик туғдиради.

Корхонада **250** та иш ўрни яратилган бўлиб, иш ўринларининг **50** таси ёш кадрлар ҳисобига банд қилинган.